БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 160 (4259).
16 июль, 1980 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Пойтахтимизнинг бир куни

РАЙОНЛАРДАН ХАБАРЛАР

• КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз • 1980 йил плани 7 ноябрга! • Шаҳримиз обод ва кўркам бўлсин • Спорт билан дўстлашиб

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз!

Тошкент партия активи йиғилишидан

Кеча шаҳар партия комитетининг мажлислар залида республика пойтахти партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980 йил) Пленуми якунларини, унинг қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажариш, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг иши, деди докладчи, қишчанлик, ижодий вазият руҳида ўтди. У партия монолит бирлигини яна бир марта яққол намоён қилди, ўзининг XXVI съездига бой янги тажриба, тўла куч-гайрат, ишчи синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ интеллигенциясининг мислсиз ишончи огушида бораётганини яққол кўрсатди.

Партия съездини чақириш тўғрисидаги қарор ҳамма жойда баланд руҳ билан кутиб олинди. Меҳнаткашларнинг митинг ва йиғилишларида, уларнинг партия ва совет органларига, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясига юборяётган кўплаб хат-хабарларида тошкентликлар КПСС съездларининг катта аҳамиятини, бу съездлар коммунизмни бунёд этиш бош йўлидаги ҳаракатимизни белгилаб бераётганини таъкидламоқдалар.

КПСС XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарор, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVII пленумининг 1981 йил 3 февраль куни республика Компартиясининг XX съездини чақириш тўғрисидаги қарори, шунингдек 1981 йилнинг 16 январь куни XXV Тошкент область партия конференциясини ўтказиш тўғрисидаги қарор Тошкент шаҳар партия ташкилоти олдига ҳам катта ва масъулиятли вазифалар қўяди.

Энг аввало, шаҳар партия ташкилотида ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш ва уни яхши ўтказиш вазифаси турибди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини бажариш юзасидан партия ташкилотлари фаолиятининг якунларини кўриб чиқиш, экономика ва маданиятга партиявий раҳбарлик масалаларини, ташкилий-партиявий ишларнинг йўлга қўйилишини, партия сафларини янада мустаҳкамлаш, партия ички демократиясини ривожлантириш, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқиш керак.

Ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик кўриб, комунист ва партиясизларнинг активлигини ҳар томонлама кучайтириб, беш йиллик ва унинг якунловчи йили планларини бажаришни таъминлашга интилиб, тошкентликлар йил сайин партия режаларини амалга ошириш учун курашда ўз куч-гайратларини бойитмоқдалар. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олмоқдалар. Етакчи тармоқлар қатъий суръатларда ривожланяпти. Масалан, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш беш йиллик бошидан буён 61,8 процент ошди.

Шу йилнинг биринчи ярми топшириқлари муваффақиятли бажарилди. Шаҳар саноати қолоқларсиз ишлаб планга қўшимча 28 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилди. Беш йиллик бошидан буён эса 370 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шаҳарнинг еттита райони, юздан зиёд корхона ва ташкилоти ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръатлари бўйича беш йиллиқнинг охирига мўлжалланган маррага эришдилар.

650 дан зиёд цех, участка ва ишлаб чиқариш бўлими комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди. Прогрессив технологияни жорий этиш бўйича 4500 га яқин тадбир амалга оширилди, 5 мингдан зиёд янги машина, прибор, аппарат ва кенг истеъмол буюмлари ўзлаштирилди. Давлат Сифат белгиси билан тайёрланаётган маҳсулотлар салкам 3 марта ошди.

Экономикамизнинг мураккаб тармоғи ҳисобланган капитал қурилиш шаҳар партия ташкилотининг алоҳида ғамхўрлигидадир.

(Давоми 2-бетда).

Ленин райони

СИФАТГА ЭЪТИБОР

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи маҳсулот сифатини яхшилаш, буюмларнинг ассортиментини бойитиш борасида талайгина ишларни амалга оширмоқда.

БУГУН

йилнинг ўтган ойлари мобайнида фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилган маҳсулот 20 миллион сўмликдан ошиб кетди. Биринчи сортли маҳсулот пландаги 98,4 процент ўрнига 98,6 процентни ташкил этди. Бирлашма барча маҳсулотини биринчи ва олий категорияли сифат билан ишлаб чиқармоқда. Аёлларнинг, эркакларнинг ва болаларнинг 29 хил моделдаги буюми фахрли беш қиррали белгига сазовор бўлди.

Маҳсулот сифатини яхшилаш учун корхонада муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан сифатни комплекс бошқариш системаси жорий этилди. Бундан ташқари цехлардаги мавжуд эски асбоб-ускуналар замонавий, такомиллаштирилган тикув машиналари билан алмаштириляпти. Корхона мутахассислари эса мураккаб технология жараёнларини такомиллаштирмоқдалар, илғор технология ва иш усулларини кенгроқ қўллашга ўрин бермоқдалар.

Корхонада КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақа ҳам кенг қулоч ёяпти. Кўплаб ишчилар ўз зиммаларига шахсий мажбуриятлар олиб ишлашяпти. Чунончи, ўнинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари уддалаган 670 нафар ишлаб чиқариш илғори ана шу эзгу мақсад йўлида тер тўкмоқда. «Қизил тонг»чилар КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мажбурият олишиб, қўшимча 1,3 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга бел боғладилар.

Ҳамза райони

ЯНА БИР ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКА

Ҳамза районида болалар поликлиникалари ва стационарларининг моддий-техника базасини яхшилашга, янги объектларнинг қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 143-болалар комбинатида юқумли гепатит касаллиги билан оғриган болалар учун учта ихтисослаштирилган группа ташкил этилди. Бу группаларда 60 бола тарбияланмоқда. Бундан ташқари юқумли касалликларга чалинган болалар учун ихтисослаштирилган 517-болалар комбинати ишлаб турибди. 15-болалар поликлиникаси эса замонавий янги бинога кўчирилди.

Яқинда районда янги болалар стоматология поликлиникаси очилди. Бу ана шундай даволаш-профилактика муассасаларининг тўртинчисидир.

Поликлиника замонавий медицина ускуналари билан жиҳозланган. Унда терапевтика, физиотерапевтика, хирургия, стерелизация, техника кабинетлари ва рентген кабинети ишлаб турибди. Бу ерда юқори малакали врачлар районнинг 54 мингдан зиёд фарзандига ихтисослаштирилган медицина ёрдамини кўрсатишмоқда.

Янги поликлиниканинг ишга туширилиши муносабати билан районда болалар стоматология хизмати янада юксак даражага кўтарилди.

С. САИДҲОСИЛОВ,
Ҳамза район партия комитетининг инструктори.

Киров райони

ТИКУВЧИЛИККА ИХЛОС ҚЎЙИБ

Шу кунларда пойтахтимиздаги барча ҳунар-техника билим юртларида битирувчиларни ишлаб чиқаришга кузатиш, уларнинг ўрнини босадиган ўқувчилар қабул қилиш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу борада 127-техника билим юртида анчагина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Билим юрти ташкил этилганидан буён ўтган олти йил ичида уни минглаб малакали мутахассис битириб чиқди. Улар ҳозирги кунда ишлаб чиқаришда ўз касбларини шарафлаб, ишчилар синфининг ҳақиқий аъзоси номи билан меҳнат қилмоқдалар. Билим юрти ҳозир ҳам ёшларга касб ўргатишнинг чин маънодаги масканидир.

БУГУН

ана шу билим юрти битирувчиларининг еттинчи группаси имтиҳонларни топшириб бўлди. 200 га яқин қиз ва йигитга тикувчилик гувоҳномаси берилиб, уларнинг иш жойи белгиланди. 230 дан ортиқ битирувчи эса Тошкент тўқимачилик комбинатида синовлари практикасини тугатиш арафасида турибди.

Айни пайтда янги ўқув йилига тайёргарлик ҳам билим юртида кенг йўлга қўйилган. Шу кунгача 500 га яқин қиз ва йигит тикувчиликка ихлос қўйиб ҳужжат топширди.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, билим юрти қошида янги ўқув йилидан саккиз синф ҳажмида маълумоти борлар учун кечки мактаб ўз фаолиятини бошлайди. Бу ерда улар касб ўрганиш билан бирга тўлиқ ўрта маълумотга ҳам эга бўладилар.

— Битирувчиларимиз,— дейди билим юрти директори М. Юнусов,— яқинда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллигига номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга борадилар. Энди биз «Қизил тонг» бирлашмаси учун ҳам чевар тикувчилар етказиб бермоқдамиз. Бу эса бизга янада катта масъулиятлар юклайди.

* * *

СУРАТДА: Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллигига номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористласи Дилобар Муталовани кўриб турибсиз.

Куйбишев райони

ЯНГИ УЙЛАР

Шу кунларда пойтахтимизда қурилиб, фойдаланишга топширилаётган янги турар жой биноларининг кўпчилиги Куйбишев районидир. Қорасув, Ташавтомаш, Шимоли-Шарқ массивлари, Луначарский кўчасининг жанубий томонидаги янги микрорайон ва бошқа жойларда қурилиш ишлари тезкорлик билан олиб бориляпти. Бу биноларда корхоналар ва ташкилотларнинг юзлаб меҳнаткашлари ҳовли тўйларини ўтказишмоқда.

Тез орада тракторсозлар массивидаги 4-микрорайонда қурилган 72 квартирали уй эгалари ҳам ҳовли тўйларини ўтказишади. Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинатига қарашли 26-қурилиш бошқармасининг Саидазиз Саматов бошлиқ бригадаси бу ерда учта тўрт қаватли бинони бунёд этди. Пардозлаш ишларини эса шу комбинатга қарашли 3-пардоз ишлари бошқармаси сайқалчилари олиб боришди.

Пишпек кўчасида ҳам 48 ва 40 квартирали тўрт қаватли иккита бино ўз эгаларини кутмоқда. 4-қурилиш трестига қарашли 19-бошқарманинг К. Кубанцев ва Ю. Содиқов бошлиқ комплекс бригадаси бунёд этган бу уй-жойлар ҳар жиҳатдан кулай бўлиб, улар бутунлай ғиштдан қад кўтарган.

Бу бошқарма қурувчилари Куйбишев районидаги Измайлов кўчасида ҳам яна бир турар жой биносини, тракторсозлар массивида эса 224 ўринли тўққиз қаватли ётоқхона, шунингдек бошқа объектларни фойдаланишга топшириш учун тахт қилиб қўйишди.

Чилонзор райони

ЗАРБДОР КУРИЛИШ ОДИМЛАРИ

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ТОНГИ

Чилонзор районида КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Метросозлар шу мусобақанинг олдинги сафида боришмоқда. Уларнинг асосий шиори — ишда аъло сифат кўрсатишдир.

Бугунги кунда Тошкент ер ости қасрида катта-ю кичик ишлар кетмоқда. «Главтоннельметрострой» 901-ихтисослаштирилган поездининг ёшлар бригадалари ишга туширилаётган участкасининг учта станциясида тош ва мармар плиталарни ётқизишмоқда. «Ташметрострой»нинг И. Лисий, З. Абдуллаев, Л. Токарчук бошлиқ бригадалари ажойиб меҳнат намунасини кўрсатишмоқда.

Маҳмуд Усмонов раҳбарлик қилаётган халқ амалий санъати усталари бригадасининг иши ҳам қизғин. Ўзбекистон ССР халқ рассоми Тошкент метрополитенининг ер остидаги саройларини пардозлашда бир неча бор қатнашган. Бугунги кунда метронинг «Пахтакор», «Октябрь» революцияси станциялари ганч ўймакорлиги билан безаниб турибди. Маҳмуд Усмоновнинг санъатини мамлакатимизнинг Киев, Донецк, Бухоро, Самарқанд, Иваново шаҳарларининг аҳолиси яхши билади. Унинг бригадаси бу шаҳарларда нодир иншоотларни безашда қатнашган.

Шу кунларда М. Усмонов бригадаси Максим Горький станциясида бадиий безатиш ишларини ниҳоясига етказди. Катта гумбазларда жозибали нақшлар ўйилди. Яқин кунларда Тошкент ер ости қасрининг пассажирлари ана шу ганч ўймакорлигига баҳо бердилар. Маҳмуд Усмонов ва унинг 120 та шогирди бу ерда 300 квадрат ҳажмда ганч ўймакорлиги ишларини бажарди.

М. ЯМШЧИКОВ.

Сергели райони

ИСТИРОҲАТ БОҒИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

БУГУН

Коммунистик шанбаликнинг 40 йиллиги номли маданият ва истироҳат боғи одатдагидан гавжум бўлади. Бу ерга 13-кўприк қурилиш отрядининг юзлаб хизматчилари ташриф буюришади. Чунки улар учун кенг программада маданий хизмат кўрсатиш тадбирлари плани ишлаб чиқилган эди.

Қурувчилар олдида Аброр Ҳидоятов номидаги маданият уйининг вокаль-чолғу ансамбли ва Сергели районидаги 3-маданият уйи коллективлари ўз маҳоратларини намойиш этишади. Шунингдек, бу ҳайрли ишга 2-маданият уйи халқ рақс ансамбли ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Қувноқ ёшлар эса қўғирчоқ театрининг спектаклини кўриб мароқли дам олишади.

— Боғдаги бугунги кечамиз жуда файзли бўлади,— дейди район маданият бошқармаси мудири А. А. Абдуганиев. — Ёз бошиданоқ биз графикка асосан тематик кечалар тадбирлар планини ишлаб чиққанмиз. Бу планга асосан ҳар шанба ва дам олиш кунлари райондаги турли корхона ва ташкилот вакиллари боғда ташкилий равишда дам оладилар. Кейинги шанбаликда биз бу ерга қуёш тўсқич мосламалари заводи меҳнаткашларини, дам олиш куни эса ошхона мебели комбинати ишчиларини таклиф этамиз. Улар боғда профессионал ва ҳаваскор артистларнинг чиқишларини тамоша қиладилар.

Бу сўзга шуни қўшимча қилиш мумкинки, боғ маъмурияти меҳнаткашларни дам олиши учун барча қулай шароитларни яратиб беряпти.

Бугун ёз давомида бу ерда районнинг 30 мингдан ортиқ меҳнаткашлари дам оладилар.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АВЖИДА

Ҳар бир шаҳар ва район кўчалари кишилар билан гавжум, озода бўлса қандай яхши. Шунинг учун ҳам халқ депутатлари район Совети ижроия комитети қурилиш ва ободонлаштириш, кўча ва тротуарларни тартибга келтириш, турар жой массивларида санитария ҳолатини яхшилаш каби ишларга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Район территориясида қисқа вақтда ўндан ортиқ кичик ҳиёбон барпо этилди, 400 минг тупдан ортиқ дарахт кўчатлари ва ниҳоллар ўтказилди, кенг ва ям-яшил кўчалардан транспорт мунтазам равишда қатнаб турибди, 75 минг квадрат-метр ҳажмдаги кўчаларга асфальт ётқизилди.

Район аҳолиси учун дам олиш зонаси — 10-шаҳар касалхонаси территориясида кўл барпо этилиб, ер ости қувурлари ётқизилмоқда.

БУГУН

шу жойнинг ўзида ёзги кино-театр аҳоли хизматига шай қилиб қўйилди.

Бу йил ободонлаштириш ишларига маҳаллий бюджет ҳисобидан ярим миллион сўмликдан кўпроқ маблағ сарфланади, уй-жойларни капитал ва жорий ремонт қилишга 1,5 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди.

Ҳозирда Абдураҳмонов кўчасидан Тошкент — Москва темир йўли устида қурилган кўприкка олиб чиқадиган Ойбек номли кўча барпо этилмоқда. Тошкент Давлат университети территорияси, Қорасарой кўчасида ободонлаштириш ишлари авжида.

М. ЗУФАРОВ,
халқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетининг раиси.

Акмал Икромов райони

БУТУН ОИЛА БИЛАН СТАРТГА

Москвада XXII Олимпиада ўйинларининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Шаҳримиздаги энг кенжа район — Акмал Икромов районида ўтказилаётган спорт мусобақалари ана шу йирик спорт анжуманига бағишланмоқда.

Бу ерда ўтказилган «Бутун оила билан стартга» беллашувлари районнинг оммавий физкультура ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Беллашувларда 54 оила иштирок этди. Бу баҳслар ўзига хос спорт байрами бўлиб, уларда кексалар ҳам, ёшлар ҳам иштирок этишди. Беллашувлар ниҳоясида 1-турар жой бошқармасида истиқомат қилувчи Бугаевлар ва 61-турар-жой бошқармасида истиқомат қилувчи Самсоновлар оиласи ғолиб деб топилди. Оммавий стартлар давомида районнинг минглаб аҳолиси физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилинди. Кўпчилик «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» Бутуниттифоқ комплекси нормативини бажаришга эришди.

Район ёшлари ўртасида футбол жуда оммалашган. Шаҳар мусобақаларининг финал беллашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун ўнлаб ҳовли командалари беллашди.

Енгил атлетика ва ГТО кўпкураши ҳам район аҳолиси ўртасида жуда оммалашган. Бу беллашувларга «Старт» стадионида старт берилди.

Фрунзе райони

ЯНГИ ПОЙАФЗАЛ

БУГУН

«Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг экспериментал лабораториясида эркакларнинг чармдан ишланган платформали панталетининг тажриба туркуми ишлаб чиқарилди. Бу ёғоч платформали қулай ҳамда ихчам бўлган ёзги пойафзал учун пресс қолиплари тайёрланмоқда. Тез кунда корхонанинг қабул пунктларида ана шу эркакларнинг панталетини тайёрлаш учун шахсий буюртмалар қабул қилина бошлайди.

Ҳозирги кунда «Илғор» бирлашмаси эркаклар ва аёлларнинг ўн беш хил пойафзали учун буюртмалар қабул қиляпти. Ўтган олти ой мобайнида харидорларга 2628 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумидан сўнг пойафзалчилар ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Октябрь райони

Ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда

БУГУН

кўн - галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонасида аёлларнинг йўл сумкалари тайёрланадиган потокда иккинчи смена иш бошлади.

Бу икки сменали кишга ўтиш бўйича бешинчи поток ҳисобланади. Янги қурилган корхона яъни илгариги спорт ва кўн-галантерея буюмлари фабрикалари жойлашган мазкур корхона ўзининг қувватини оширмоқда, янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

— Буларнинг ҳаммаси дейди,— бирлашма директори Собир Саидкаримов, — коллективимизга иш суръатини ошириш, буюмлар ассортиментини кенгайтириш, уларнинг товар кўринишини яхшилаш имконини беради. Потокка давлат Сифат белгиси ва «Н» индекси билан ишлаб чиқариладиган янги моделдаги бир қатор буюмлар қўйилган. Айниқса студентлар ва ёшлар ўртасида оммалашган «Дипломат» типидаги сумка ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 бараварга кўпаяди. Зиммамизга шундай вазифа қўйилди: йил охиригача кунлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 100 минг сўмликка етказиш керак.

Ҳозирда бош корхонада 18 та поток ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бири маълум кўринишдаги кўн-галантерея, спорт, турист жиҳозлари буюмларини тайёрлашга ихтисослаштирилган.

* * *

СУРАТДА: «Олмазор» микрорайонининг «Халқлар дўстлиги» майдони томонидан кўринниш.

Ҳ. Мирзанаримов фотоси.



КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шаҳар хўжалигини ривожлантиришга, уйжой ва маданий-маиший қурилишга ўтган тўрт ярим йил ичида 2,5 миллиард сўм капитал маблағ ажратилди. Бу эса тўқиларнинг беш йиллигининг шу даврига нисбатан 46 процент кўпдир. Ўтган йилларда умумий майдони 3 миллион квадрат метрдан зиёд турар жойлар қурилди. 19 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, 37 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб, соғлиқни сақлаш ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишга тушди.

Ҳисобот-сайлов кампанияси Тошкент меҳнаткашларини халқ хўжалигининг барча соҳаларини ўнинчи беш йиллик ва унинг якунловчи йили планларини ҳеч сўзсиз бажариш учун курашни янада кенг тус олдириш, ўн биринчи беш йилликда барқарор ишлашни таъминлашга актив кўмаклашишга даъват этилган.

Ҳамма жойда шаҳар партия комитети томонидан маъқулланган абразив ва тўқимачилик комбинати, «Миконд» заводи, 3-ун заводи, ойна-мебель фабрикаси, «Октябрь 50 йиллиги» тикувчилик бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг цех ва участкалари меҳнат коллективларининг Улуғ Октябрь 63 йиллигигача йиллик планни бажариш тўғрисидаги ташаббусини кенг ёйиш керак.

Ҳозир партия XXVI съездига қизғин тайёргарлик олиб борилаётган бир даврда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Илмий-техника тараққиётини янада жадаллаштиришга, меҳнат ва давлат интизомини янада мустаҳкамлашга, меҳнат унумдорлигини оширишга муттасил эътибор бериш керак. Бу йил ишлаб чиқариш ҳажмини 8,7 процент ўстириш, социалистик мажбуриятни ҳам назарда тутганда эса 9,5 процентдан ҳам ошириш керак. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари олти ой якунига кўра 6,7 процентни ташкил этди. Акмал Икромов, Киров, Куйбишев, Октябрь ва Фрунзе районлари, асбобсозлик, «Ташкенткабель», лак-бўёқ ва водлари, «Учқун» тўқимачилик-галантерея бирлашмаси, бош кийимлар фабрикаси, 1- ва 2-пойафзал фабрикаси, қоғоз комбинати ва бошқа оғзаки корхоналарда бу кўрсаткич бундан ҳам паст.

Шаҳарнинг 20 процентдан зиёд корхонаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришни таъминлаш мажбуриятини уддалай олмаяпти. Янги техника ва технологияни жорий этишга ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланилмаяпти. Бу биринчи навбатда маҳаллий, озиқ-овқат, мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати корхоналарига, шунингдек қурилиш индустриясига тааллуқлидир.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини ошириш, темир йўл, бошқа транспорт турлари ишларини яхшилаш резервларидан, меҳнат, моддий (шу жумладан ёқилғи-энергетика) ва молиявий ресурсларидан максимал фойдаланиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Агар ҳар бир масалага КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми ва июнь (1980 йил) Пленумлари талабларидан туриб ёндошсак — худди шундай ҳаракат қилмоғимиз керак — топшириқларни шундай ариза илгари ҳам берилган бўлса, карточкадаги номерга қараб, олдинги ариза ҳам унинг юзасидан тўпланган материалларга қўшиб бирга топширилади. Дастлабки ҳужжатларга учта карточка тўлдирилади. Бундан ташқари, ҳафтанинг чоршанба кунлари шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари ҳузурида ишга бевосита боғлиқ бўлган кишиларнинг қатнашувида меҳнаткашларнинг ўз вақтида жорий ва капитал ремонт қилинмаслиги, ремонт ишлари муддатининг ташкил этиш такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишни шундай ташкил этишлари керакки, барча асосий ишчи ва моддий ресурслар муҳим объектларга тўплансин. Ишга тушириш давридан олдиноқ, бу объектларда монтаж ва дастгоҳларни созлаш ишлари олиб борилсин, бу эса янги қувватларни тезроқ ишга тушириш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишни мунтазам яхшилаш, кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш, иш вақтининг самарали ишлатилишини таъминлаш, ишчиларнинг ўз вақтида жорий ва капитал ремонт қилинмаслиги, ремонт ишлари муддатининг ўз вақтида жорий ва капитал ремонт қилинмаслиги, ремонт ишлари муддатининг ўз вақтида жорий ва капитал ремонт қилинмаслиги, ремонт ишлари муддатининг

Ҳар бир киши ижроия комитетга қандай масала билан келмасин, у бу даргоҳдаги хизматчиларнинг эътибор беришларига, ҳақиқий ёрдам кўрсатишларига, яхши маслаҳат беришларига умид қилади.

Айниқса ана шулар учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида гражданларни қабул қилиш ҳамда меҳнаткашлар хатлари билан ишлашни бундан буён янада такомиллаштиришни яхшилаш юзасидан тадбирлар комплекс плани ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Ана шу тадбирлар комплекс планига мувофиқ, шаҳардаги район Советлари ижроия комитетларининг корхона ва ташкилотлар бошқармаларининг фаолиятлари текшириб турилади. Хатларни ҳисобга олиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб боришда ёрдам кўрсатилади. Жумладан, гражданларни қабул қилишни ташкил этишни такомиллаштириш учун методик тавсиялар жорий этилади.

Амалда қандай талаблар амалга оширилаётганлиги тўғрисида бироз тўхталиб ўтишга тўғри келади. Гражданлар томонидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига юборилган аризалар, таклиф ва шикоятлар хатлар бўлими орқали ўтади. Гражданларнинг аризалари, таклиф ва шикоятлари контрол картотекадан текширувдан ўтказилади. Агар

• *Советлар ҳаёти*

ИЖРОИЯ КОМИТЕТГА МУРОЖААТ ҚИЛГАНДА

лади. Бу ҳужжатлар белгиланган муддатда кўриб чиқилгач, улар битта карточка ҳамда раҳбарнинг тегишли резолюцияси билан биргаликда хатлар бўлимига қайтарилади. Хатлар бўлимида резолюция қўйилган материаллар унинг ижро этувчисига жўнатилади. Шундан кейин картотекага ижро этилганлиги тўғрисида белги қўйилади. Масала узил-кесил ҳал этилгандан сўнг, ижро этилган ҳужжат делодан карточка билан биргаликда ўчириб қўйилади.

Ижронинг муддатини назорат қилиш учун табель-календарь жорий этилган. Унда хатларнинг қайси бўлимларда бўлган босқичлари, ҳатто қарорнинг амалда ижро этилишигача белгилаб қўйилади.

Ҳафта бошида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ҳузурида бўлган йиғилишда гражданлардан тушган аризаларнинг кўриб чиқилишининг бориши тўғрисида ахборот тингланади. Бундан ташқари, ҳафтанинг чоршанба кунлари шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари ҳузурида ишга бевосита боғлиқ бўлган кишиларнинг қатнашувида меҳнаткашларнинг ўз вақтида жорий ва капитал ремонт қилинмаслиги, ремонт ишлари муддатининг ташкил этиш такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишни шундай ташкил этишлари керакки, барча асосий ишчи ва моддий ресурслар муҳим объектларга тўплансин. Ишга тушириш давридан олдиноқ, бу объектларда монтаж ва дастгоҳларни созлаш ишлари олиб борилсин, бу эса янги қувватларни тезроқ ишга тушириш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил этишни мунтазам яхшилаш, кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш, иш вақтининг самарали ишлатилишини таъминлаш, ишчиларнинг ўз вақтида жорий ва капитал ремонт қилинмаслиги, ремонт ишлари муддатининг ўз вақтида жорий ва капитал ремонт қилинмаслиги, ремонт ишлари муддатининг

Ҳар бир киши ижроия комитетга қандай масала билан келмасин, у бу даргоҳдаги хизматчиларнинг эътибор беришларига, ҳақиқий ёрдам кўрсатишларига, яхши маслаҳат беришларига умид қилади.

Айниқса ана шулар учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида гражданларни қабул қилиш ҳамда меҳнаткашлар хатлари билан ишлашни бундан буён янада такомиллаштиришни яхшилаш юзасидан тадбирлар комплекс плани ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Ана шу тадбирлар комплекс планига мувофиқ, шаҳардаги район Советлари ижроия комитетларининг корхона ва ташкилотлар бошқармаларининг фаолиятлари текшириб турилади. Хатларни ҳисобга олиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат олиб боришда ёрдам кўрсатилади. Жумладан, гражданларни қабул қилишни ташкил этишни такомиллаштириш учун методик тавсиялар жорий этилади.

Амалда қандай талаблар амалга оширилаётганлиги тўғрисида бироз тўхталиб ўтишга тўғри келади. Гражданлар томонидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига юборилган аризалар, таклиф ва шикоятлар хатлар бўлимларда бўлган босқичлари, ҳатто қарорнинг амалда ижро этилишигача белгилаб қўйилади. Гражданларнинг аризалари, таклиф ва шикоятлари контрол картотекадан текширувдан ўтказилади. Агар

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети меҳнаткашлар аризалари, хатларини кўриб чиқиш ҳамда уларни қабул қилиш бўйича бўлим муди-

Бадиий буюмлар фабрикасининг ёшлар бригадалари партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилдилар.

СУРАТДА: дўппи цехининг қўли гул чеварлари (чапдан) С. Сапаева, М. Қорабоева, М. Муродова ва Р. Тожиева-лар. Улар кундалик нормаларини 140 процентгача етказиб адо этишмоқда.

И. Шоиноғомов фотоси.

трести проходкачиси Л. Г. Такарчукнинг сўзи зўр қизиқиш билан тингланди. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларидан руҳланган метросозлар муддатидан илгари, 10 августда Тошкент ер ости қасрининг биринчи линияси 2-участкасини фойдаланишга топширадилар. Барча коллективлар зарбдорона ишламоқда. Масалан, унинг ўзи бошчилик қилаётган бригада ҳар куни нормани 1,5 ҳиссадан ошириб адо этяпти. Съезд шарафига оширилган социалистик мажбуриятни қабул қилишган. Унда бир кеча-кундузда 120 погон-метр йўлни бетонлаш кўзда тутилган.

Агрегат заводи директори В. Р. Бойжонов съездолди зарбдор вахтасида туриб ишлаётган коллектив иши тўғрисида гапириб берди. Ҳозирги пайтда заводда кўпчилик технологик жараёнлар механизациялашган ва автоматлаштирилган, технологик ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги даражасининг комплекс кўрсаткичи 70 процентга етди. 80 процент маҳсулот давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилянти. Комплекс ижодий бригадалар (корхонада 62 та шундай бригада бор, уларга 280 мутахассис бирлашган) техника тараққиётини жадаллаштиришга, иш натижаларини яхшилашга катта таъсир кўрсатяпти. Бу бригадалар фаолиятининг иқтисодий самараси фақат ўтган йилнинг ўзидагина юз минг сўмдан ошди.

В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия ташкилоти меҳнат коллективи ишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатяпти. Беш йиллик бошидан буён, деб таъкидлади ўз сўзида корхона партия комитетининг секретари Ю. Н. Звягинцев, ишлаб чиқариш ҳажми 2,6 марта, меҳнат унумдорлиги 2,3 марта ошди. Фонд қайтими кескин кўпайди. Бу энг аввало, партия ташкилотининг кўп қиррали иши, коммунистларнинг ишлаб чиқаришда авангардлик роли натижасидир.

Пойтахт олимлари шаҳар ҳалқ хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг аъзоси, республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Д. Х. Ҳамдамов ана шу ҳақда ҳикоя қилиб берди. Беш йиллик бошидан буён олимларнинг ижодий коллективлари 440 дан зиёд янги ишларни жорий этишди, бу бир ярим миллиард сўмга яқин иқтисодий самара берди. Халқ хўжалигининг муҳим тармоқларини янада ривожлантиришга, қишлоққа ёрдамни кучайтиришга, юқори ҳосилли янги пахта навларини ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини навларини яратишга тадқиқотларда катта ўрин берилянти.

Пойтахт йигит ва қизлари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларини жанговар ҳаракат программаси сифатида қутиб олдилар. Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари М. Е. Фузулова шаҳар комсомолининг ватанпарварлик ғайрати, ёшларнинг ажойиб ишлари ва зафарларига тўхталиб ўтди. Заргарлик заводи, «Қизил тонг» бирлашмаси, тўқимачилик комбинати, «Подъёмник» бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг ташаббуслари кенг ёйилди. Студент қурилиш отрядлари жангчилари съездолди зарбдор вахтасига муносиб ҳисса қўшишяпти. Минглаб комсомоллар қалб даъвати билан беш йилликнинг муҳим қурилишларига жўнаб кетишяпти, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатишяпти. Улар ўз зафарларини КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига бағишламоқдалар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БИНОКОРЛАР КУНИ

ПРАГА. 20 марта нишонланадиган бинокорлар куни, деди Чехословакия Социалистик Республикасининг қурилиш министри К. Нолак, якун чиқариш учун, йилнинг биринчи ярмида қилинган ишларни таҳлил этиш учун важ бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги вақтда асосий куч-ғайрат ишга туширилаётган қурилишларга қаратилган. Бундай қурилишларнинг 12 таси ҳозирдаёқ қуриб битказилди. Беш йиллик сўнгги йилнинг охиригача, деди у, ТАСС мухбири билан суҳбатда, яна 119 та объект фойдаланишга топширилиши керак. Улар орасида Прагаининг шимол-жануб магистралининг навбатдаги қисми, Прагадаги маданият саройи, «Мельник-III» ГРЭСи, Прага— Братислава автотрассанинг сўнгги участкаси ва бошқа бир қанча объектлар бор. ЧКП XV съездининг топшириқлари муддатидан олдин бажарилади.

Бинокорлар уй-жойлар ва маиший хизмат корхоналарини барпо этишга алоҳида эътибор бермоқдалар, деди сўнгра министр. Йил охиригача 46 минга яқин квартира фойдаланишга топширилади. Прагада ва кўмир қазиб чиқарилаётган асосий район бўлган шимолий Чехия областида қурилиш ишлари ғоят интенсив олиб борилмоқда.

УНИВЕРСИТЕТ ЮБИЛЕЙИ

БУДАПЕШТ. Илмий билимларни тарқатувчи венгер жамияти ҳузуридаги Аттела Йожеф номли эркин университетида 25-ўқув йили ниҳоясига етди. Ҳозир университет курсларида 18 минг киши шуғулланмоқда. Табиёт фанлари ва техникага оид лекциялар тингловчиларга айниқса, манзур бўлмоқда. Бундай лекцияларни қариб 13 минг киши тинглади.

Шу нарса диққатга сазоворки, эркин университетнинг ҳар беш тингловчисидан бири ишчидир. Ишчиларнинг йигирма процентидан кўпроғи ҳозир олий ўқув юртларини битириб чиққанлиги тўғрисида дипломга эга. Эркин университетдаги машғулотлар уларга илмий ва техника тафаккури ривожини кузатиб бориш, тайёргарликдаги етишмовчиликни тўлдириш, ўз савиясини ошириш, санъат ва адабиёт оламидан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Эркин университетнинг жойларда обрў-эътибори йил сайин ўсиб бормоқда. Бу йил унинг лекторийлари мамлакатнинг 86 та шаҳрида ва йирик аҳоли пунктларида ишлаб турди.

ЭНЕРГЕТИКА РИВОЖЛАНМОҚДА

ГАВАНА. Электр линияларининг қурувчилари умумхалқ байрами миллий кўзголонининг 26 йиллиги кунига тайёргарлик доирасида биринчи ярим йил планини 120 процент бажардилар. Улар Ғарбдан Шарққа томон бутун оролни кесиб ўтган асосий энергетика магистралидан 1200 километр узунликда тармоқ линияларини ўтказдилар, трансформатор станциялари барпо этдилар, истеъмолчиларга ток бердилар. Электр энергиянинг 70 процентини саноат ва қишлоқ хўжалигига берилди, қолган қисми турмуш эҳтиёжлари учун сарфланмоқда.

Куба Компартияси ва ҳукумати энергетиканы ривожлантиришга кўплаб маблағ ажратмоқда. Бунинг натижасида шу йилнинг ўзидаёқ Озодлик оролининг бутун энергетика системаси анча ошади. Бутун энергетика системасининг қуввати революциядан аввалгига қараганда 5,6 баравар кўп бўлади. Келгусида атом электр станциялари қуришда катта эътибор бериладиган бўлади. Шундай электр станциялардан бири Сх Сьенфуэгос шаҳри яқинида қурила бошлайди. 1988 йилда ишга тушади.

АҚШ. Америка жамоатчилигининг турли қатламлари ҳарбий ҳаражатларни тобора кўпайтираётган ҳокимиятнинг сиёсатига қарши кенг норозилик билдирмоқда. Ҳарбий ҳаражатларнинг кўпайиши натижасида мамлакатда касалхона ва мактабгача болалар муассасалари етишмаётир, нўплаб мактаблар ва кутубхоналар ёпилмоқда, аҳолининг турар жойга эҳтиёжи эса ғоят жиддий масала бўлиб қолмоқда.

СУРАТДА: Нью-ирк шаҳри (Нью-Джерси штати)да негр аҳолиси ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун намойиш ўтказишмоқда.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

НЕПАЛ ТИЛИДА

КАТМАНДУ. Непалдаги «Интернэшнл паблишерз энд дистрибьютерс» нашриёти жаҳон пролетариати доҳийси асарлари тўпламини «В. И. Ленин ва ҳозирги даврнинг» номи билан непал тилида босмадан чиқарди. Бу тўпламга «Нима қилмоқ керак?», «Ишлар союзининг вазифалари» асарлари, «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асаридан боблар ва бир қанча бошқа асарлар киритилган. Тўпламда В. И. Ленининг таржимаи ҳоли ҳамда дунёдаги таниқли сиёсий ва жамоат арбобларининг доҳий ҳақида айтган фикрлари бор.

В. И. Ленин ғоялари барҳаёт ва бутун дунё меҳнаткашлари учун илҳомбахш куч ҳисобланади, дейилади китобнинг сўз бошида. Марксизм-ленинизм — турли мамлакатларнинг ишчилари ҳамкорлигининг асоси ҳисобланади. Бинобарин, асримизнинг барча ғоят муҳим воқеалари Ленин номи ва унинг таълимоти билан боғлангандир. Совет ҳукумати Ленин васиятларини изчиллик билан амалга оширмоқда, халқаро майдонда тинчлик, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш ленинча сиёсатини ўтказмоқда. Бу эса, деб таъкидланади сўз бошида, ҳозирги халқаро муносабатларининг асосий ва энг муҳим омиллардан биридир.

Нашриёт тўплам нашрини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаган.

ТЕХНИКА ХИЗМАТИНИНГ ЯНГИ СТАНЦИЯЛАРИ

УЛАН-БАТОР. Халқ Монголиясининг автомобиллар энг кўп қатнайдиган икки трассаси кесишган жойда— Кобдос ва Баян-хонгор аймоқларида техника хизматининг янги станциялари фойдаланишга топширилди. Эндиликда пойтахтни республиканы ҳарбий районлар билан боғлайдиган кўп минг километрлик йўлни босиб ўтувчи шоферларнинг йўлдаги ташвишлари анча камайди. Энг замонавий машина-ускуналар билан таъминланган станцияларнинг ходимлари зарур ремонтни қисқа муддатда ўтказишлари, автомобилнинг узель ва агрегатларини мойлашлари мумкин. Бундан ташқари ҳайдовчилар янги йўл объектлари комплексига кирувчи меҳмонхонада исталган вақтда дам олишлари мумкин.

Ана шундай станцияларнинг аҳамияти, дейишди МХР транспорт министрлигида ТАСС мухбири билан суҳбатда, бебаҳодир. Станциялар ишида шаҳарлараро йўлларда юк ташишда банд бўлган автомобилларнинг техника тайёргарлиги анча ошганлигини, бекор туриб қолиш ҳоллари камайганлигини кўрсатди.

САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

◆ МЕДИЦИНА ЯНГИЛИГИ

СУНЪИЙ ҚОН

Буйракни кўчириб ўтказиш одатдаги операция бўлиб қолган бизнинг кунларда, Фукусима (Япония) шаҳрида ўтказилган мазкур операция ўта муҳим воқеа бўлди. Гап шундаки, бунда биринчи марта фтор ва фторли углерод бирикмалари асосида яратилган синтетик қондан фойдаланилди. Бундай усул инфаркт миокарди касаллигидан вафот этган донордан кўчириб олинган икки буйрак яшовчанлигини сақлаб қолиш учун қўлланилди.

Бир мунча вақтдан сўнг, ўша врачлар бригадаси ўн икки бармоқли ичак яраси тешилган 65 ёшли беморга 1000 сантиметр куб сунъий қон қуйдилар. Мазкур бемор қони кам учрайдиган группа бўлганлиги ва уни тезда топиш имконияти йўқлиги сабабли синтетик қон қуйилди. Бу билан унинг ҳаёти сақланиб қолинди.

Болалар сиҳат-саломатлиги доим шифокорлар назоратида бўлади. Чилонзор район соғлиқни сақлаш бўлими 10-бирлашган болалар касалхонасига қарашли поликлиника бўлимида кичкинтойлар соғлиғини яхшилаш учун мединклар доим жон куйдирадилар.

СУРАТДА: поликлиника бўлими нинг участка врачи Валентина Никафоровна Конева қизчанинг соғлиғини текшириб кўрмоқда.

И. Шоиногомов фотолари.

• Газетхон илтимоси

ҚАРИНДОШГА ҚУДА БЎЛСАНГИЗ...

«Ҳурматли редакция! Баъзи кишиларнинг айтишича, қариндош-уруғнинг қуда-анда бўлиши мумкинми, медик олимларнинг текширишлари ча, қариндош-уруғдан қиз олиш, ўғил уйлантириш наслга салбий таъсир қиларкан, шу гап тўғрими?» деб ёзишибди Б. Икромова, С. Ибодова, О. Назаров, Т. Хушвақтов ва оқшомхонлар. Шу муносабат билан медицина фанлари доктори Л. З. КАЗАНЦЕВА ва медицина фанлари кандидати В. П. ВЕТРОВ ўртоқлар нинг мақоласини тайёрладик.

Уйларидаги меҳмондорчиликлардан бирида икки ёшнинг бир-бирига меҳри тушиб, ишқ оташи аланга олди, улар тез-тез учрашадиган бўлиб қолишди. Турмуш қуришга ҳам аҳд қилишди. Ахир улар аканинг ўғли ва сингилнинг қизи-ку! Қизини акасининг ўғлига берса, уларнинг болаларига бирор кор-ҳол бўлмасмикан, фарзандлари бенуқсон туғилармикан?

Ака синглисининг қизини ўғлига олиб беришга рози эди, чунки қайниси қизини ўз укасига келин қилиб берган, туғилган икки ўғил эсон-омон, бекаму-кўст эди. Лекин синглиси қариндошга, бунинг устига акамнинг ўғлига қизимни бермайман, қариндошуруғ бир-бирига қиз бериши мумкин эмас, оқибати ёмон бўлади, деб оёғини тираб туриб олди.

Хўш, энди нима қилиш керак? Икки ёш нима қилишларини билмай, бошлари қотиб педиатр врача маслаҳат сўраб боришди. У медицина-генетика консультациясига боришни маслаҳат берди. Лекин мутахассис генетиклар уларнинг саволларига дарров жавоб бермадилар. Консультацияга бир неча марта қатнашга тўғри келди.

Бу ҳақиқатан ҳам мураккаб муаммо. Қариндош-уруғга қуда бўлганда бегонага қараганда ирсий касалликка мубтало бўлган болалар кўпроқ туғилади.

Ҳозирги пайтда илгаригига қараганда қариндош-уруғлар камроқ қуда-андачилик қиладиган бўлиб қолишди. Европада ва Шимолий Америкада қариндош-уруғларнинг қуда бўлиши сони бир процентдан ошмайди. Осиёда эса уларнинг сони – кўпроқ. Аммо Осиёда ҳам қариндош-уруғларнинг қуда тўшиши анча камайиб боряпти.

Бориш қийин бўлган тоғли жойларда, узоқ-узоқлардаги ороллар да истиқомат қиладиган жамоалар илгаридан маълум. Бу ерларга бегона одамларнинг қадами камданкам етади. Ана шундай жойлар аҳолиси муқим яшайди, бошқа ерларга деярли кўчмаслиги шубҳасиз. Бу ҳол уларни бир-бири билан қуда-андачилик қилишга мажбур этган. Ҳозир ҳам ажралган ҳолда яшайдиган шу хилдаги жамоалар бор. Масалан, Швейцариянинг тоғли районларида, Жанубий Америка территориясида. Бироқ, шунисси қизиқки, бундай динай жамоа кўп миллионли Лондонда, шунингдек АҚШда ҳам бор экан.

Қариндош-уруғларнинг жуда кўпчилиги қиз олиб, қиз берган шунга ўхшаш махсус жамоалардаги касалланишни ўрганаётган тадқиқотчилар улар ўртасида ирсий касалликлар ва ривожланишдаги нуқсонларнинг одатдагидан кўп учрашини аниқладилар. Аҳлий ривожланишдан орқада қолиш, нутқдаги нуқсонлар, карликнинг насл суриши, моддалар алмашинуви касалликлари кўпроқ қайд қилинади. Ҳатто қариндош келинкуёв кўринишдан соппа-соғ бўлганда ҳам нима учун улардан касал бола туғилиши хавфи бўлади?

Гап шундаки, организмнинг бирор белгиси ёки хусусиятига жавобгар геннинг патологик ўзгаришига боғлиқ бўлган ирсий касалликларнинг бир группаси бор. Бунда шу нарса характерли-ки, ўзгарган битта ген ҳам ўзини юзага чиқармайди. Бундай генни ташувчининг ўзи ҳам соппа-соғ бўлади, бўлажак фарзандга ҳам ирсий касаллик хавф солмайди.

Лекин тақдир тақозоси билан шундай бир хил ўзгарган генни ташувчи йигит-қиз тасодифан турмуш қуришса, зурриёт учун хавф туғиладиган шароит юзага келади.

Тўғри, бундай эр-хотинлардан туғилган болаларда, албатта, ирсий касалликлар ривожланиши шарт эмас. Бунинг сабаби қуйидагича: ўзгарган ген ташувчиларда жиноий ҳужайраларнинг ярмигина шундай ўзгаришга учрайди. Зародиш (пушт) иккита нормал ҳужайрадан ривожланиши мумкин, шунда бола ота-онасидан ўзгарган генни олмаганидан соғлом туғилади.

Иккинчи вариант: зародиш нормал ҳужайра ва ўзгарган ген ташувчи ҳужайрадан ривожланади. Шунда бола ҳам соғ бўлади, аммо ота-онасига ўхшаб, ўзгарган генни зимдан ташувчи бўлади.

Ниҳоят, учинчи вариант: иккала жинсий ҳужайра (эркак ва аёл жинсий ҳужайраси) ўзгарган ген ташийди. Ана шу ҳодисадошларнинг бир-бири билан никоҳланиши одатда юридик жиҳатдан тақиқланмайди, чунки бу насл учун уччалик хавфли бўлмайди. Лекин баъзи мамлакатларда узоқ қариндошларнинг ҳам бир-бири билан турмуш қуриши чегаралаб қўйилган.

Аммаваччалар, холаваччалар юридик жиҳатдан турмуш қуришлари мумкин. Аммо юқорида айтиб ўтганимиздек, икки ёш врачга бориб тўғри иш қилганлар. Мутахассис улар авлодининг қандай касаллик билан оғриганини аниқлай, касал бола туғиладими ёки у соғ бўладими, аниқлаши осон бўлади. Ота-боболарининг қандай хасталиклар билан оғриб ўтганини билган тақдирдагина врач туғиладиган боланинг соғ ёки носоғ бўлишини айтиб бера олади.

Медицина-генетика консультацияси тажрибасининг кўрсатишича, одатда қишлоқ аҳолиси ўз насл-насабини шаҳарликларга қараганда яхшироқ билар экан. Одам ўзининг «таг-тахти»ни билгани яхши, чунки медицина-генетик консультациясига бориш зарурати туғилганда бу маълумотлар асқотади.

Врачлар шунга ўхшаш маълумотларни таҳлил қилишдан ташқари, қанчалик хавф-хатар борлигини аниқлашга имкон берадиган бошқа текширув усулларидан ҳам фойдаланадилар. Чунончи, ўзгарган генни яширин ташиб юришни аниқлайдиган синама ишлаб чиқилган.

Кўриб турибсизки, холавачча ёки аммаваччалар турмуш қуришининг туғиладиган бола соғлиғига хавф солиш-солмаслиги масаласига қар бир алоҳида ҳодисада турлича жавоб беришга тўғри келади. Буйда фақат мутахассис врач маслаҳат бера олади, холос.

М. ОРИФЖОНОВА ва Т. РАСУЛЕВ тайёрлашган.

• *Буни ҳамма билиши керак*

ПАШША—СОҒЛИҚ ДУШМАНИ

Ўлкамизда ёз фасли, об-ҳаво иссиқ, турли мевалар ғарқ пишган давр. Айни шу дамларда санитариягигиена қоидаларига риоя қилинмаса, турли юқумли ичак касалликлари қишин ва тарқалишига шароит яратилган бўлади. Шунинг учун ҳамшаҳаларимиз гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиб, турли юқумли касалликларни тарқатадиган пашшага қарши курашишлари лозим.

Пашша тез кўпаювчи, турли касаллик микробларини тарқатувчи ҳашаротдир. Унинг кўпайишига чириган ташландиқлар, озиқ-овқатлар н и н г қолдиқлари, чириган сабзавотлар, тозаланмаган кир ўра сабаб бўлади.

Одатда ҳаво ҳарорати ўн даражага етгач, пашшалар ўз қишлаган жойлари (турар жой, молахона, ер тўла, зинапоя, айниқса отхона ва молхоналар)дан учиб чиқади ва жуда тезлик билан кўпая бошлайди. Агар пашшанинг кўпайишига назар ташласак, ўрта ҳисобда битта она пашша бир мартанинг ўзида 100 дан ортиқ, аниқроғи 109 та тухум қўяди. Она пашшанинг ёши улгайган сари унинг қўйган тухумларининг сони камая боради. Ўзбекистон шароитида битта она пашша ҳаёти давомида минг-икки мингтагача тухум қўяди.

Тухумдан қулай шароитда, яъни 36 даража ҳароратда 7—8 соатдан кейин личинка чиқади. Личинка уч суткадан кейин ғумбакка айланади. Ғумбакдан тўрт кундан сўнг етилган пашша чиқади. Пашша ғумбакдан чиққач, 2—3 кундан кейин тухум қўя бошлайди. Шундай қилиб, ҳар 14 кунда тухумдан вояга етган пашша чиқади. Натижада битта пашшадан бир ёз мавсумида бир неча миллион пашша ҳосил бўлиши мумкин. Вояга етган пашша айни иссиқ ёз кунлари 3—5 кун яшайди, ҳарорат паст вақтлари 5—6 ойгача яшайди. Олимларнинг кузатишича, лаборатория шароитида +20, + 25 даража ҳароратда пашшалар 112 кун яшаши мумкин.

Бир дона пашшанинг кўпайиши шунчалик экан, демак, уларнинг қанчалик тез кўпайиб кетиши ўзўзидан равшан бўлиб турибди. Шунисси ҳам борки, бир дона пашшанинг ташқи танасида 6 миллиондан ортиқ микроорганизм, ички қисмида эса 28 миллионга яқин микроорганизм бўлади. Шундай экан, халқ соғлиғининг биринчи душмани бўлган пашшаларга қарши курашни мунтазам олиб бориш керак.

Пашшаларга қарши курашнинг муваффақиятли чиқиши учун бир вақтнинг ўзида уч томонлама кураш олиб бориш керак, яъни: пашшаларнинг тухумдан чиқиш жойидаги курашниг радикал тадбири сифатида тозалашни тўғри ташкил этиш (суюқ ва қаттиқ чиқиндиларни тўплаш, олиб кетиш ва уларни зарарсизланти р и ш; пашшаларнинг тухумдан чиққан личинка ва ғумбакларини ўша жойнинг ўзида мунтазам қириб бориш; қанотли пашшаларни мунтазам равишда қириб бориш ва уларнинг биноларга учиб киришига йўл қўймаслик керак.

Хона ичидаги пашшаларни қиришда контактли заҳар— ДДТ; ичак заҳарлари — қоғоз-мухомор ва формалиннинг икки процентли эритмаси қўлланилади, хлорофоснинг беш процентли сувли эритмаси бўлган беш процентли меласс хўракларини қўллаш ҳам пашшаларга қарши курашнинг самарали усулларидан бири бўлиб ҳисобланади. Пашшаларни механик усулда қирувчи воситаларга тўрт бурчак шаклидаги ёпиқчоқ қоғоз ёки ғалтакка ўралган лента лар мисол бўла олади.

Шаҳар дизенфекция станцияси қошида шаҳар ва район профилактик дизенфекциялаш бўлимлари ҳамма корхона ва ташкилотлар, касалхоналар, озиқ-овқат корхоналари, болалар муассасалари ва ЖЭКларда шартнома асосида пашша ва бошқа ҳашаротларга қарши профилактик дизенфекция ишларини олиб бормоқда. Шахсий уйларда эса дизенфекция ишларини бажаришда ҳар бир хўжалик ўз уйларида пашша пайдо бўлишига йўл қўймаслиги керак. Эшик ва ромларга майда сеткалар ўрнатиш ва хонадаги пашшаларни эса ўз вақтида мослама—мухабейка, ёпишқоқ масса ва қоғоз билан қириб ташлаш лозим. Шунингдек, кимёвий моддалардан 150 грамм хлорофос , таблеткасини 5 литр илиган сувда эритиб хоналарга сачратиб сепиш лозим. Бунда албатта озиқ-овқат маҳсулотлари олиб чиқиб қўйилиши лозим. Аэрозол баллончаларидан «Дихлофос» ва «Прима»дан ҳам фойдаланиш зарур. Буларни аптекалардан ва хўжалик магазинларидан харид қилиш мумкин.

Одам соғлиғининг душмани, юқумли касалликларни тарқатувчи пашшаларга қарши курашиш, уларнинг кўпайишига йўл қўймаслик ҳар биримизнинг вазифамиздир.

М. АЛИМОВ, Тошкент шаҳар дизенфекция станцияси бўлимининг бошлиғи.

Қ. НИЗОМОВ, врач.

Ҳодиса

ОҚИБАТИ ЯХШИ БЎЛМАДИ

Йўл ҳаракати қоидаларининг 20-моддасида шундай дейилган: **«Ҳаракат тартибга солиб турилмайдиган жойларда пиёдалар яқинлашиб келаётган транспорт воситаси қанча узоқда эканлигини ва унинг юриш тезлигини чамалаб кўриб, ҳаракатга ҳалақит бермасликларига қатъий ишонганларидан кейингина йўлни кесиб ўтишлари мумкин».**

Бу унча мураккаб эмас тўғрими? Шунга қарамай Олмалиқ шаҳридаги 391-механизациялашган кўчма колонна арматурачиси Анатолий Кривошеев бу қоидага эътибор бермай, Шота Руставели кўчасининг «Самарқанд» автостанцияси қисмини кесиб ўтишдан олдин ўзининг шахсий хавфсизлигини таъминлай олмади. У ёнгинасидан ўтиб бораётган автомобиль билан ким ўзарга мусобақалашиб йўл четидан бир неча метр наридаёқ ютқазди. ВАЗ—21011 маркали 70—51 ТНТ автомобилини бошқариб келаётган Рудольф Ан кутилмаганда йўлни кесиб ўтаётган пиёдани уриб юбормасликка қанча ҳаракат қилмасин, лекин тасодифнинг олдини олиб қололмади. Чеккаси ёрилган ва бош миясн қалқиган А. Кривошеев 16-шаҳар касалхонасига келтирилди.

Шифокорлар ўз муҳлисларининг «эҳтиётсизлик» сабабини дарҳол аниқлашди, унинг диагнози охирига илова қилиб: «спиртли ичимлик ичиб маст бўлган» деб ёзиб қўйишди.

Бу ўринда изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Л. ОФФЕНГЕНДЕН.

Қуёш, тоза ҳаво ва зилол сув болаларнинг доимий йўлдоши. Шаҳримиз чекасидаги «Ўзбекистон 25 йиллиги» пионерлар лагерида бахтиёр фарзандларимиз мириқиб дам олишяпти.

СУРАТДА: хушҳаво лагерь ҳовузида.

АЛЬБЕРТ ЛИХАНОВ

АЛДОВ

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

Бувисининг жўнаб кетиши олдидан Сережа мактабга қайтиб борди. Болалар уни худди янги келган ўқувчига қарагандай қабул қилишди. Аслини олганда ҳам худди шундай. У энди бутунлай бошқача бўлиб қолган.

Синфда Серёжа қимир этмай ўтирарди. Гапирган гапини ҳам эшитиш қийин. Ўқитувчининг саволларига эса истар-истамас, ёмон жавоб берарди. Унга ўқитувчиларнинг ҳам раҳми келарди, шунинг учун бўлса керак, уч баҳо қўйишарди. Бундан адабиётчи мустасно. Вероника Макаровна тез-тез саволга тутади, савол берганда ҳам энг осон, жўн саволларни беради, жавобини охиригача эшитмай, маъқул деган ишора қилади-ю, яхши ёки аъло баҳо қўяди.

«Мени овунтирмоқчи,— деб ўйлайди ўзича Серёжа,— топган ишини қаранг...» Унга бу баҳоларнинг аҳамияти йўқ, аҳамияти бўлганда ҳам уларга парво қилмайди. Бутун борлиқ унга бегонадай.

У Васькага қарайди, унинг ўгирилиб қарашини кутади. Ҳеч кимга эътибор бермай, ғамгин кулиб қўяди унга.

Серёжа энди Галяга бошқача кўз билан қарайди, уни энди зимдан кузатади.

Унинг назарида, синфдошлари илгари қандай бўлишса, ҳозир ҳам худди ўшандай, лекин у билан Галя катта одамлардек бўлиб қолишган. Улар энди мактабда ўтириб ўқиш эмас, балки икковлари биргалашиб заводда ишлашса бўлади, чунки бу болалар билан ўтиришнинг ҳеч қизиғи йўқ. Лекин нима ҳам қилиб бўларди, ҳозирча бирга ўқишдан бошқа чора йўқ. Гапнинг очиғини айтганда, Серёжа мактабга Галяни деб келди. Фақат уни деб. Чунки, у энг оғир дамда Серёжага ҳамдард бўлди. Ҳа, ўша куни, укаси вафот этган ўша машъум куни кечкурун Галя уларникига келиб, Серёжани зинапояга чақирди.

Васьканинг кўзлари бир оз бежо эди. Лекин у Серёжага эмас, негадир бошқа томонга қотганча тикилиб турарди. У шундай асабийлашганки, бўйнидаги қон томирлари кўкариб, бўртиб кетганди.

— Серёжа,—деди кутилмаганда, — мени ўп.

— Нима учун?— сўради Серёжа ҳайратланиб.

— Ўп,— буюрди яна Галя.

У энгашди, қуриб қолган лабларини қизнинг юзларига текказди.

— Унақа эмас!— деди Галя.— Худди катталардек...

Эшик гичирлаб очилиб, зинапоядан кимнингдир юриб келаётгани эшитилди. Улар бир-бирларидан узоқлашиб, зинапояга суялиб қолишди. Йўловчи хуштак чалиб уларнинг ёнидан ўтиб кетгунча Серёжанинг юраги қинидан чиққудек уриб турди.

— Қани,— деди Галя ўгирилиб, оёқ товушлари тингач.

— Сен буни ўйлаб қилаяпсанми?— Серёжа қалтираб. У Галянинг ҳаяжондан қизариб кетган юзини, тер босган пешонасини кўздан кечирди.

— Жим тур!— деди Галя ва кўзларини чирт юмиб, Серёжа томон юрди. Унинг лаблари Галянинг лабларига тегди, лекин бу қандайдир беўхшов бўлди. Галя уни ўзидан узоклаштириш мақсадида итариб юборди-да, ўзи пастга югуриб тушиб кетди, Серёжа бўлса уй томон отилди, пальтосини қўлига олиб, Галянинг кетидан югуриб кетди, ўпкаси тўлиб, ҳарсиллаганча уни қувиб етди.

Улар ёнма-ён боришарди.

— Бу нима қилганинг? — сўради у лол қолганича. — Уялмай қўяқол, — деди Галя, кўзини ундан олиб қочар экан, — нима қилиб қўйганимни ўзим яхши биламан. Севгисиз бундай қилмаслик керак эди,

— у тўхтади-да, жаҳл билан деди:— Биласанми, сени бир силтаб, эсингни жойига келтириш керак эди, тушундингми! Сени тирилтириш керак эди, чунки сен ҳам шу кунларда мурдага ўхшаб қолдинг...

У кўзини пирпиратганча, ҳеч нарса диёлмай қолди. Эртасига эрталаб эса мактабга борди.

— Сенга бу ишни ким ўргатди?— сўради қиздан.

— Ҳеч ким,— жавоб қилди Галя.— Ўзим ўйлаб топдим.

У дарс ўртасида Галяни зимдан кузатди, кейин ажабланиб унга узоқ тикилиб ўтирди, дарс тугаб мактабдан қайтишар экан яна Галя ҳақида ўйлади: қизиқ, қандай қилиб ўйлаб топдийкин?

Серёжа ўзини ўзи четдан туриб кузатгандай бўлди. Ҳаёт унга зерикарли, ғамгин бўлиб туюла бошлаганди, лекин бу қоранғи ҳаётда Серёжа учун Галя ёниқ юлдуздек порлади.

У ҳақиқатдан ҳам тирилиб бораётгандек... Узоқ муддатли ва зерикарли ёмғирдан кейин кўм-кўк осмонда сузиб юрган пағ-пағ булутлар орасидан қуёш чарақлаб чиқса, киши беихтиёр бошини кўтариб қарагиси келади. Ана шундай, пайтларда булутлар тезроқ тарқалиб кетса, дейсан киши. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Чунки, ёмғир абадий ёғмайди-ку...

Онасининг қирқи ўтгач, бувиси қишлоққа кетди. Май ойлари эди, ёзги каникуллар яқинлашиб қолган, аввал келишилганига кўра, у қишлоққа бориши керак. Кейин-чи, кейин нима бўлади?

Ҳеч ким таҳмин қилишга журъат этолмасди. Нима бўларкин, бу ҳақда ҳеч кимнинг тайпригиси келмасди. Бувиси бу ҳақда гап бошлашни ноқулай деб ҳисоблади. Ҳа, майли, бир оз кутайлик-чи, Никодим ҳамон сукут сақлагани-сақлаган. Никодим умуман ўзини қандайдир ғаройиб тутарди.

У баъзан бутун оқшом телевизор олдида қоққан қозиқдек ўтирар, гўё Серёжани ҳам сезмасди. Баъзан эса бир талай совға-салом, китоблар, ширинликлар, марка солинган пакетлар кўтариб келарди, ана шундай пайтларда, у маза-матрасиз гапларни айтиб жаврагани-жаврагани эди.

Баъзан эса икки-уч кунлаб йўқолиб кетар, қайтиб келгач, кўзларини яширган ҳолда онасиникида ётиб қолганини айтарди, Серёжа бундай пайтларда уйда ёлғиз ўзи қолиб, ўзига-ўзи қуймоқ пиширар, идиш-товоқ ларни ювиб, уйга ўзи хўжайинлик қиларди.

Унинг олдига тез-тез Нина хола келиб турарди, у ҳар сафар келганида дўкондан кавобми, қатламами, ёки торт кўтариб келарди. Овоз оператори ҳам келиб турарди, онасини биладиган ва танийдиган яна қандайдир кишилар ҳам ташриф буюришарди. Улардан ҳар сафар қоғозга ўралган нарсалар қолар, Серёжа ҳам бундай совға-саломдан воз кечмасди. У агар кўтариб келинган нарсаларни олмаса, улар хафа бўлишлари мумкинлигини билар, ахир бу совғалар онам учун-ку, деб ўйларди.

Кунлардан бир кун уйда Никодим йўқлигида эшикнинг қўнғироғи чалинди. Серёжа эшикни очди. Қандайдир нотаниш кишилар кириб келишди, у, булар ҳам онамнинг танишлари бўлишса керак, деб уйга таклиф қилди.

Келган кишилар уч киши: икки аёл ва бир чол эди, улар уйни диққат билан кўздан кечиришди, хоналарини айланиб чиқишди, ошхонага ҳам киришди. Кейин ваннахонани ва хожатхонани кўздан кечиришди.

Серёжа уларга ажабланиб қараб турарди, чунки онасининг таниш лари, ўзларини ҳеч қачон бундай тутишмаганди.

— Уйда катта одамлар қачон бўлишади?— сўради чол.

Серёжа елкасини қисди.

— Бизда эса,— деди аёллардан бири,— бир хонали алоҳида уй бор. Уйнинг сатҳи тахминан шунча келади.

Серёжа ҳамон уларга тушунмай қаради, чунки нима гап бўлаётганига ақли етмасди.

Чол буни сезди шекилли:

— Биз эзлон бўйича келдик,— деди ва адресни айтди.— Шу квартирами?

— Ҳа, шу!— яна тушунмади Серёжа. — Қандай эзлон бўйича?

— Кўчага эзлон эпиштирилган экан; икки хонали уйни иккита бир хонали уйга алмаштираман, дейилган.

— Бу қандайдир ҳато бўлса керак,—кулди Серёжа.— Биз алмаштирмоқчи эмасмиз. Кимдир ҳазил қилибди.

— Шу ҳам ҳазил бўлдими?— вайсади чол, эшикни ёпиб чиқиб кетар экан.

«Бундай аҳмоқона фикр кимнинг калласига келди экан?»—ўйлади Серёжа ва Никодим келганида, унга қандайдир одамлар довдираб юришганини айтди.

— Келишдими?— бўшашиб сўради Никодим.

Серёжа турган жойида қотиб қолди! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Наҳотки, буни ташкил қилган Никодим бўлса? Никодим-а...

— Йўқ, бундай разил ишга Никодим қодир эмас, бунга Серёжанинг ҳеч бир ишонгиси келмайди. Наҳотки, Никодим бўлса...

Ўша оқшомга — онаси Никодимнинг расмини йиртиб ташлаган кунга, энди миллион йил бўлган бўлса керак. Бундан миллион йил бурун Серёжа Никодимни кўргани кўзи йўқ эди, бу етти ёт бегона киши онасининг эри бўлишини ҳеч бир ҳоҳламасди. Лекин кейинчалик ҳамма нарса ўзгариб кетди.

Ўша тўй сафари. Биргаликдаги ҳаёт. У ахир Никодимга яхши муносабатда бўлдику, чунки Серёжага у ёкарди...

Лекин оқибат нима бўлди? У бутун умр бўйи шу йўсинда қолсак керак, деб ўйлаганди. Ҳатто онасининг ўлимидан кейин ҳам Серёжани қийноқ азоби чулғаб олди.

— Кел гаплашиб олайлик,— таклиф қилди Никодим ва уни курсига ўтказди, кўзларини пирпиритиб. Бу кўркувданми? Ёки уятданмикин? Нимадан ҳам уялярди? Никодим энди Серёжага ким бўпти? Ҳеч ким. Уларни бир-бирига боғлаб турган онаси эди, шуни ҳам тушуниш қийинми? Энди эса онаси йўқ. Гап тамом.

— Гаплашсак, гаплаша қолайлик,— деб жавоб қилди аранг овозини чиқариб Серёжа. Ўзи эса Никодимга қарамасдан тўғри ойнага юзланди. Ойнада ўзини ўзи кузатди. Юз суякларини тери қоплаган, бурни тўғри ва кенг, кўзлари-чи, худди онасининг кўзлари. Шу пайт бирдан елкалари титради. Гўё у қандайдир жарлик ёқасида турибди, кимдир унинг орқасидан билинтирмасдан келаётгандек, ҳозир жарликка итариб юборади. Мана у жарлик қаъригa учиб кетмоқда. Учиб кетяпти-ку, ўзига нима бўлишини ҳам билмайди. Бундан кейин қандай яшашни, нима қилишни ҳам тасаввур қилолмайди.

— Тушунасанми, Сергей,— дейди Никодим қийналиб,— энди ҳеч нарса бўлмайди. —Бу гапи нима дегани экан?

—Эсингдами, мен ЗАҒС ҳақида гапирган эдим? Унинг юзи гезариб кетади.

— Эсимда,— дейди Серёжа хотиржамлик билан.— Лекин сиз қизарманг. Буни мен тушунаман.

— Сен мени ҳеч қачон кечирмайсан, буни биламан,— у бўшашиб кетади, елкалари ҳам букчаяди. — Мен ҳам сенинг ўрнингда бўлганимда кечирмасдим. Лекин ҳаёт биздан кучли.

Серёжа ўйчан ҳолда, маъқул, дегандек валасини қимирлатади. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ҳаёт биздан кучли. Айниксса, ўлим. У ҳамма нарсани остин-устун қилиб ташлайди. Яхши одамларни аблаҳларга айлантиради. Лекин яхши одамларними,—бу ҳақда ўйлаб кўриш керак. Эҳтимол, бу одам аблаҳлигича қолгандир, фақат яхшиларнинг соясида яшириниб юргандир.

— Сен катта бўлганингда,— дейди Никодим,— сенинг бошингга оила ташвиши тушганида, бу гапларнинг маъносига тушунасан... Биз ҳозир иккимиз икки томонга ажралишимиз керак. Квартирани бўлишимиз зарур. Мен ҳали қари эмасман, оила қуришим керак.

— Фақат кейинги сафар,— аччик сўз билан узиб олади Серёжа,— ўзингизга ёшрок хотин топинг. Бунинг устига, боласи ҳам бўлмасин.

Никодим чўрк этмай жойида қотиб қолганини у кўриб турибди.

— Мен сенга ёрдам бериб тураман,— дейди Никодим.— Биз тез-тез учрашиб турамиз... Кинога борамиз... Қуймоқ егани кафега...

Серёжанинг хаёлидан ҳар хил гаплар ўтади. У рўй бераётган воқеага ишонгиси келади, Никодимни қойишга ўрин йўқ, деб ўйлайди, кейин эса ҳамма гапга безарф чолдай қарайди ва ишонгиси келмайди. Бу гапларнинг ҳаммасини Никодимга гапираётганига ишонмайди. Нима, ундай бўлса, бу гапларни ўзи ўйлаб тўқибдими? Унинг бошини яна ҳар хил хаёллар чулғаб олади. Бу гаплардан хафа бўлган Серёжанинг кўзлари дам катталашади, дам безарф қараб, бир нуқтага тикилади.

Никодим ўрнидан туради. Шошиб, ўзини ноқулай ҳис қилиб, эгнига плашини кийида, тушунтиради:

— Бувингга алақачон хат ёздим, у рози, тез кунда келиб қолади. Мебель учун холангга пулни мен бераман, бу ҳақда қайғурмай қўя қол. Мебелдан ўзинг хоҳлаганингни танлаб ола қол, агар истасанг ҳаммаси сеники, тушундингми мени?

— Қани энди,— астасекин гапирди Серёжа,— қани энди, шу пайт, шу бўлаётган гапларнинг устида онам бўлса.

Унинг қўлларини титроқ босди.

(Давоми бор).

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ж. ҲУРРАМОВ: Ишлигимдан автомобилларни созлайдиган слесарь бўлишни орзу қиламан. Бунинг учун нима қилишим ва қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Бу касб сирларини Сиз 216-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти ва 95-техника билим юртида ўрганишингиз мумкин. 216-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти Юнусобод массивидаги А—4 микрорайонида жойлашган. У ерга 25, 28, 29-трамвайларда бориш мумкин. 95-техника билим юрти эса Владимир тор кўчасидаги 15-уйда жойлашган. Бу ерга 1, 4, 69-автобуслар ва 17, 18-трамвайларда борасиз. «Партия мактаби» бекатида тушасиз.

* * *

А. РАҲМОНОВ: Улуғ Ватан урушида қатнашган, лекин жароҳатланмаган кишиларга қандай имтиёзлар берилган?

Жавоб: Улуғ Ватан уруши йилларида ҳаракатдаги армия составида жанговар операцияларни амалга оширишда қатнашган солдат ва офицерларга ҳарбий билетидаги ёзувларга асосланиб, «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси» гувоҳномаси берилади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси эса СССР Министрлар Совети томонидан белгиланган имтиёзлардан фойдаланиши мумкин. Бу имтиёзлар қаторига биринчи галда телефон ўрнатиш, самолёт, поезд, театр ва киноларга билетни навбатсиз олиш ва бошқалар киради.

* * *

Н. ДАДАХОНОВ: 1945 йилнинг 15 мартидан бошлаб 1950 йилнинг 22 мартига қадар ҳаракатдаги армия сафида хизмат қилганман. Лекин жангларда қатнашмаганман. Айтингчи, мен Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ҳисобланаманми ёки ҳисобланмайманми?

Жавоб: Бу масалани ҳал қилиш учун Сиз ўзингиз ҳисобда турадиган район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилишингиз лозим. Ҳарбий комиссариат ходимлари махсус қўлланмага асосланмаган ҳолда саволингизга жавоб беришади.

* * *

Қ. ҚОРАХОНОВ: Автобазада шофёр бўлиб ишлайман. Яқинда навбатдаги меҳнат отпускасига чиқдим. Ўзим меҳнат қилаётган «ММЗ—555» машинасини бошқа шофёрга топширдим. Отпускадан қайтганимдан кейин шу машинани ўзимга беришларини талаб қилишга ҳақким борми?

Жавоб: Бинобарин, отпускадан қайтганингиздан кейин бош инженер кўрсатмасига кўра бош механик аввал ўзингиз ишлаган машинани ёки бошқасини ҳам бериши мумкин.

* * *

Д. ОТАХОНОВ: 8-синфни битирдим. Спортнинг теннис тури сирларини ўрганмоқчиман. Айтингчи, Марказий «Пахтакор» стадионидаги теннис тўгарагига қабул қилиш қачон бошланади?

Жавоб: Марказий «Пахтакор» стадионидаги теннис тўгарагига қабул қилиш ҳозир давом этмоқда. Машғулотлар тўгарак комплектлангандан кейин бошланади.

* * *

Л. ОТАҚУЛОВ: Меннинг меҳнат дафтарчамга нотўғри ёзув битилган, шуни тузатгани ташкилотга борсам у тугатилган экан. Энди меҳнат дафтарчамдаги ёзувни қайси жойда тузатиш мумкин?

Жавоб: Одатда меҳнат дафтарчасига нотўғри ёзув битилганида уни қайд этган корхона ёки ташкилотгина тузатиши лозим. Аммо ўша корхона ёки ташкилот тугатилган бўлса, меҳнат дафтарчасидаги ёзувни шу тугатилган корхона ёки ташкилот бўйсунадиган юқори ташкилотгина тузатиши мумкин.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет Оқшоми

16 ИЮЛЬ, 1980 й.

Собир Раҳимов районидаги К. Е. Ворошилов номли 46-ўрта мактаб томонидан **Карнмов Эркин Эргашевич** номига берилган 428063 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги Андриян Николаев номли 173-ўрта мактаб томонидан **Усмонхўжаева Гулнора Ҳамидуллаевна** номига берилган 425209 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
Октябрь революцияси номли Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент тепловоз-ремонт заводи базасидаги

155-ТЕМИР ЙЎЛ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—81 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

тепловоз-машинистининг ёрдамчиси, тепловознинг механика қисмини ремонт қилиш бўйича слесарь, электр-газ пайвандчи, тепловознинг электр қисмини ремонт қилиш бўйича слесарь, совутиш ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь. Ўқиш муддати—3 йил. 8-синф ҳажмида маълумотли йигитлар қабул қилинади; машинада қолиплаш қолипловчиси. 8—10-синф ҳажмида маълумотли йигитлар 17,5 ёшдан бошлаб қабул қилинадилар. Стипендия: ўрта маълумотлилар учун—72 сўм, 8-синфни битирганлар учун 30 сўм. Етоқхона берилади; электр қўприкли кранларнинг кранчилари. Ўрта маълумотли йигит ва қизлар 17,5 ёшдан бошлаб қабул қилинадилар. Стипендия—30 сўм. Ўқиш муддати—бир йил. Етоқхона берилмайди; юк багажларини қабул қилувчи-топширувчи. Ўрта маълумотли йигит ва қизлар 17,5 ёшдан бошлаб қабул қилинадилар. Стипендия—72 сўм. Ўқиш муддати—бир йил. Етоқхона берилмайди.

Ўқувчилар уч маҳал овқат, кийим-бош, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент иш ҳақи оладилар. Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Билим юртини аъло битирганлар олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шароитларда қабул қилинадилар.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланадилар. Шунингдек, уларга Совет Иттифоқининг исталган бурчагига бепул темир йўл билети берилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, автобиография, туғилганлиги ва маълумоти тўғрисида гувоҳномалар: ота-онасининг иш жойидан ва яшаш жойидан справкалар; характеристика, 8 та фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри—5, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5-трамвайлар: 25, 55, 106-автобусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-07.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

БЕКТЕМИР ШАҲРИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН

218-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1980—81 ўқув йилга

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Токарь (ўқиш муддати—1—3 йил), **слесарь-сантехник** (1 йил), **фрезерчи** (2 йил), **электр-пайвандчи** (3 йил), **ускуналар бўйича ремонтчи слесарь** (1 йил), **пўлат қуювчи** (1 йил), **металл конструкциясини тайёрлаш бўйича слесарь** (1 йил), **ёритиш ва ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи** (2—3 йил).

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул иссиқ овқат, кийим ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Билим юртини «аъло» баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

Узоқдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртида бадиий тўгарак ва спортнинг турли секциялари ўқувчилар хизматида.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, саккиз йиллик маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат, турар жойидан справка, 3х4 см ҳажмидаги 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ЭСРПП МАРКАЗИЙ БАЗАСИДАГИ ЎҚУВ КОРПУСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Ўрта Чирчиқ райони, Бектемир шаҳри, Лихачев кўчаси, 13-уй. Автобуслар: Тўйтепа —Тошкент, Вокзал —РТС маршрутларининг «9-автобаза» бекати.

Ф. Хўжаев номидаги 1-пойафзал фабрикаси қошидаги

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЯНГИ ЎҚУВ ИЛИГИДА

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ **пойафзал бошлиғини бичувчи, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, чарм-галантерея маҳсулотларини тикувчилар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор модельер.**

8—10-синфни тамомлаб билим юртига қабул қилинган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ва чарм-галантерея фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини яхши ва аъло баҳолар билан битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга кириши хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт); турар жойидан, саломатлиги ҳақидаги справкалар, 3х4 см. 6 та фотосурат.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (84-автобус, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар 53-99-04, 53-99-91.

КИНО

16 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СТАРШИНА» — **Чайка** (жуфт) соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«УЧУВЧИ ПИРКСНИНГ КУЗАТИШЛАРИ» — **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«АДЕЛА ҲАЛИ ОВҚАТЛАНГАНИ ЙЎҚ»—**Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 14.30, 17, 19.30, телефон 44-39-51).

«ОИЛАВИЙ ҲАЕТДАН САҲИФАЛАР»—**Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

17 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СТАРШИНА»— **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«УЧУВЧИ ПИРКСНИНГ КУЗАТИШЛАРИ» — **Дружба** (жуфт соатларда).

«АДЕЛА ҲАЛИ ОВҚАТЛАНГАНИ ЙЎҚ» — **Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ»— **Санъат саройи** (кичик зал, 13, 14.30, 17, 19.30, телефон 44-39-51).

«ОИЛАВИЙ ҲАЕТДАН САҲИФАЛАР»— **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ

доимий, вақтинча ва қисқартирилган иш куни билан ишлаш учун йўловчиларни билет билан таъминлашни текшириш бўйича контролерликка

ПЕНСИОНЕРЛАР И, СТУДЕНТЛАРНИ ВА БОШҚА ГРАЖДАНЛАРНИ, ИНЖЕНЕРЛАРНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнат ҳақи — вақтбаймукофотли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

СОТУВЧИ БЎЛИШ ҚИЙИНМИ?

Яхши сотувчи бўлиш учун кўп нарсани ўрганиш керак:

ДУКОН ПЕШТАХТАСИ ЕНИДА ЎЗИНИ ТУТА БИЛИШ ЭТИКАСИ, САВДО ЭСТЕТИКАСИ, ХАРИДОР КАЙФИЯТИНИ ЎРГАНИШ, ЭКОНОМИКА, ТОВАРШУНОСЛИК, СОВЕТ ВА МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИДАН ХАБАРДОР БЎЛИШ — **сотувчи учун олий фазилат. Лекин бу билимларни ўзлаштиришнинг ўзигина яхши сотувчи бўлиш учун кифоя қилмайди. Сотувчининг яна бир фазилати борки, унга ўрганиш жуда қийин.** Бу — КИШИЛАРГА ҲУРМАТ, ХАРИДОРЛАРНИНГ БАРЧА САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРА БИЛИШ ВА ЭЪТИБОРСИЗЛИК ЕКИ ҚЎПОЛЛИК БИЛАН ҲЕЧ КИМНИНГ ДИЛИНИ ОҒРИТМАСЛИК ФАЗИЛАТИДИР.

СОТУВЧИ КАСБИНИ ЭГАЛЛАШДА «ТАШПРОМТОРГ»НИНГ 47-МАКТАБ-МАГАЗИНИ СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Мактаб-магазин — савдо корхонаси бўлиб, ўқувчилар унда назарий билимлар билан бир қаторда келгуси ишларида ниҳоятда асқотадиган амалий кўникмаларни ҳам оладилар. Ўқиш пайтида бўлажак сотувчилар товаршунослик, савдо ҳисоби, савдони ташкил этиш, савдо хизмати, совет ва меҳнат ҳуқуқи асосларини ўрганиб олишади.

Мактаб-магазинга 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган 8—10-синф ҳажмида маълумотли қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Тошкентда доимий пропискада бўлиш шарт.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади. Битирувчиларга саноат молларининг кичик сотувчиси малакаси берилади. Ўқиш муддати 6 ой. Ўқиш вақти умумий меҳнат стажига қўшилади.

47-МАКТАБ-МАГАЗИННИ БИТИРГАНЛАР «ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ўрта маълумоти ҳақида аттестат ёки 8-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома, мактаб ёки сўнгги иш жойидан характеристика, агар бор бўлса — меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, 2 та (6Х9 см) ва 2 та (3Х4 см) фотосурат, автобиография, торг директори номига ариза.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мактаб-магазин адреси: Тошкент шаҳри, Қорақамиш массиви, 2/1, 29-уй (56, 59, 65-автобусларнинг «Кўз клиникаси» бекати).

Адреслар: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, Б—1, Чимкент тракти, 72-уй, «Ташпромторг», кадрлар бўлими (25, 28-трамвайлар, 72-автобуснинг «Бозор» бекати).

«ТАШПРОМТОРГ»
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

«РАДИО УЙИ»

КАТТАЛАРГА ҲАМ, БОЛАЛАРГА ҲАМ, РАДИОҲАВАСКОРЛИКНИ БОШЛОВЧИЛАР ВА ШУ КАСБ ЭГАЛАРИГА ТАНИШ МАГАЗИНДИР.

Магазин К. Маркс ва Киров кўчалари муюлишида—шаҳар марказида жойлашган. У юз йилга яқин вақтдан буён ишлаб ва турли вақтларда темир-терсакдан ишланган, мануфактура, электр товарлари, хўжалик учун зарур бўлган ҳар хил буюмлар билан савдо қилиб келмоқда.

Магазин бугунги кунда шаҳримизда энг йирик ихтисослаштирилган радио товарлари сотиладиган магазиндир. Магазинда ҳамма вақт телевизорлар, радиоприёмниклар, электрофонлар, радиолалар, шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари, грампластинкалар ва соатлар кўплаб сотувга қўйилади.

«РАДИО УЙИ»да товарларни очиқ савдога қўйиш усули қўлланилган. Аъло даражада жиҳозланган кўргазма залида қулай пештахталар устига сотувдаги телевизорлар қўйилган. Телевизорларнинг ҳар бирининг қандай ишлашини кўрибгина қолмай, балки сотувчи-консультантлардан у ҳақдаги маълумотлар ва тавсияномаларни олиш мумкин.

Бугун биз, газетхонларни «Радио уйи» тавсия этадиган рўзғорда фойдаланиладиган радиоаппаратларнинг моделлари билан таништирамиз.



Телевизор ҳар бир оилага зарур. «Радио уйи»да энг катта экранли — диагонал бўйича 61 см. ва энг кичик — сафарга, боғга, шаҳардан ташқарида сайр этишда бирга олиб юриладиган транзисторли телевизорларни харид қилиш мумкин.

«КАСКАД». Экрани — диагонал бўйича 61 см. Ташқи кўриниши жуда чиройли, схемаси чидамли, техник параметрлари яхши, автомат равишда регулировка қилинади ва доимо тасвири аниқ кўрсатади — телевизорнинг афзалликлари ана шулардан иборат.

«САДКО». Экранининг размери диагонал бўйича 50 см. Телевизорга махсус консол ўрнатилган. Шу туфайли уни истаган томонингизга буришингиз мумкин.

Унинг бу афзалликларидан полда (металл таянчда) ва стол устида (ёғоч таянчда) фойдаланиш мумкин. Телевизорда дециметрли диапазон тўлқинини қабул қилиш имконияти яратилган.



«БИТЯЗЬ-722». Рангли телевизор. Экранининг размери — диагонал бўйича 61 см. Унинг афзалликлари: программани сенсор усулда қабул қилади (унинг клавишига оҳиста бармоқ текказсангиз бас — экранда бошқа эшиттиришни кўраверасиз), тасвири жуда аниқ.

«ЭЛЕКТРОНИКА-401». Кўтариб юриладиган рангли телевизор. Экранининг размери — диагонал бўйича 31 см. Бу телевизор йўлда ҳам, уйда ҳам ҳамроҳингиз бўлиши мумкин, нега деганда у электр тармоғидан, автомобиль ҳамда автоном аккумуляторлардан ҳам ишлайверади.

Биз сизга тасвирлаб ўтган телевизорлардан ташқари магазиндан бошқа хил телевизорларни ҳам харид қилиш мумкин. Улар орасида «Рассвет», «Кварц», «Весна», «Изумруд», «Янтарь», «Рекорд—В312», шунингдек улар учун автотрансформаторлар ва стабилизаторлар ҳам бор.



«ЮНОСТЬ—63М», «ШИЛЯЛИС—402Д», «ЭЛЕКТРОНИКА — ВЛ – 100», «ЭЛЕКТРОНИКА—407 Д», «ЭЛЕКТРОНИКА — 11» транзисторли телевизорлар ўзининг сифатли тасвири билан йўлда ҳам, уйда ҳам сизни хушнуд этади. Бу телевизорларнинг ҳаммаси электр тармоғидан ҳам, автомобиль аккумуляторидан ҳам ишлайверади.

ВЭФ фирмасининг энг сўнгги замонавий моделлари асосида яратилган «Спидола—231» ва «Рига-104» компактли транзисторли радиоприёмниклар енгил; узун, ўрта ва қисқа тўлқинли диапазонлардан эшиттиришларни яхши қабул қилади. «Геала — 407» узун ва қисқа тўлқинли диапазонларда ишлайди;

«МЕЛОДИЯ—103 М», «Мелодия—103», «Юность» электрофонлари, шунингдек, «Рекорд», «Серенада», «Кантата», «Мелодия— 104» радиолалари стерео ва монофонли пластинкалар товушининг юксак сифатли чиқишини таъминлайди.

Бадиий ҳаваскорлик ансамбллари учун «Трембита» ва «Аккорд—2» ни тавсия этамиз. «Юпитер-Квардо» — юқори параметрли профессионал усилителини таклиф этамиз.

ТЕЛЕВИЗОРЛАР ВА РАДИОПРИЕМНИКЛАР УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР СОТИЛАДИГАН СЕКЦИЯЛАРДАН ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН:

қаршилик ва конденсаторлар, диодлар ва триодлар, радиолампалар, узеллар ва деталлар (олиб эшиттирадиган кучланишли трансформаторлар), ҳар хил типдаги ва метрдаги магнитофон лента лари, радиоприёмниклар ва телевизорлар учун хона антенналари, телевизор ташқи антенналари учун кабеллар, турли хил радио конструкторлар ва ўлчаш асбоблари, радио наборлар, моно ва стерео электрофонлар учун головкалар.

«Радио уйи»да грампластинкалар ва соатлар билан савдо қиладиган бўлим бор. Электрон, электрон-механик, стол устига қўйиладиган механик, девор, эркаклар ва аёлларнинг қўл соатлари, хромланган, тилла суви юритилган ва олтин корпусли соатлар сотувга қўйилган.



«Ташхозкультторг»нинг 55-магазини «Радио уйи»да эски радиоприёмник, телевизор, радиолаларни топшириб, янги, бирмунча замонавий моделларини харид қилиш мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Бунда товарнинг қийматидан қатъи назар, кредит муддати икки йилгача узайтирилади.

Магазин пул ўтказиш йўли билан, нақд пулга ва кредитга буюмларни сотади.

Иш вақти — соат 10.00 дан 19.00 гача. Танаффус — соат 14.00 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — якшанба.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 17-уй.

«ТАШХОЗКУЛЬТТОРГ».
«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

16 ИЮЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Ёшлар адреслари». 19.00 «Расмларда қўёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Балет артистларининг концерти. 20.00 «Беш ҳалқа тарихи». Ҳужжатли фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Даврани кенг олинг». Эстрада программаси. Танаффус пайтида (22.40). «Дунё воқеалари».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин қадамжолари бўйлаб». 18.40 «Олимпиада характери». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 «Ўз уйимизнинг қадрига етайлик» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақиназаров олиб боради. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Танбур ва сато наволари». Турғун ва Алишер Алиматовлар ижросида. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Комплекс механизация— пахтачиликда бош йўналиш». 22.20 Ў. Усмонов. «Гирдоб». Кўп серияли телевизион видеофильм премьераси. 2-қисм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Абитуриент-80». Ўрта Осиё медицина педиатрия институтидан кўрсатув. 20.55 Абитуриентлар учун. Химия. 21.55 «Она шаҳрим—Тошкентим». 22.25 «Сердар». Телевизион бадиий фильм (рус.).

17 ИЮЛЬ— ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Эстония радиоси «Вигри-Мигри» болалар вокал ансамблининг концерти. 10.35 «Беш ҳалқа тарихи». Ҳужжатли фильм. 2-серия. 12.05 Орёл шаҳри баянчилар триоси чалади. 12.20 «Карате нима?». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ироқ республикасининг миллий байрами— республика Миллий кунига «Дарахт». Ироқ халқ ҳунармандлари ҳақида ҳужжатли фильм. 15.50 М. Глинка. «Катта секстет». 16.15 «Архангельское» музей-қўриқхонасининг 17.05 Болалар учун. «Электроникани сақлаш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Кучук етаклаган бола».

18.10 «Майдондаги беш учрашув». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.05 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Халқ оҳанглари». 19.40 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». 19.55 «Сайроқи қуш кимникига қўнди?». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время» 22.05 «Ҳужжатли кинокамера». Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VI Халқаро кинофестивали ҳақида. 23.35 «Дунё воқеалари».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Баҳорги уйинлар». Фильм-концерт. 11.50 «Мультипанорама». Болалар учун киноқўрсатув. 12.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари». 13.05 Телевизион ҳужжатли фильм (рус.). 13.30 Ў. Усмонов. «Гирдоб». Кўп серияли телевизион видеофильм. 2-қисм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим— фахрим». 18.45 «Олимпиадага йўл». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»). 19.00 Толибжон Содиқов номли Тошкент халқ филармонияси «Нилуфар» вокал-чолғу ансамблининг концерти. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Жаҳон адабиёти дурдоналари». Прем Чанд. 20.30 «Ахборот». 20.50 Охунбобоев номли Андижон музикали драма ва комедия театрининг солисти Нуриддин Ҳамроқулов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Озуқа ишлаб чиқариш резервлари». 22.20 Ў. Усмонов. «Гирдоб». Кўп серияли телевизион видеофильм премьераси. 3-қисм. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Шкаф қаердан келди». 20.40 Абитуриентлар учун. Математика. 21.40 «Цабуна». Телефильм. 21.55 «Такрорий тўй». Бадиий фильм (субтитр билан, рус.).

Ўрта Осиё темир йўлининг

ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИ

тепловоз машинистининг ёрдамчиларини тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар — группалар комплектланганда сўнг бошланади.

СТИПЕНДИЯ — 90 СЎМ.

Елғизлар ётоқхона ва прописка билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: 700005, Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 13/22-уй, кадрлар бўлими.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ
16 ИЮЛЬ, 1980 й.
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета
БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41, ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.
Р—03064. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2118. 37